

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5** “*импакт-фактор*” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Тарих фанлари

АКРАМОВ Достон Фахриддин ўғли

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси

ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7585165>

СОВЕТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА АЛИФБОНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

АННОТАЦИЯ

Советлар олиб борган маориф соҳасидаги ислохотлари, Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган лотинлаштириш, лотин алифбосига ўтишда олиб борилган ғоялар ҳамда унинг ўзбек халқига етказган оқибатлари. Ёзув ўзгариши билан маорифнинг ҳолатлари ва етказган ҳалокатли излари ҳақида тилга олинган.

Калит сўзлар. Маориф, курс, лотинчилар жамияти, алифбо, кружок, конференция, съезд, курултой, академия.

АННОТАЦИЯ

Реформы в области образования, проведенные Советами, латинизация, проведенная на территории Узбекистана, идеи, осуществленные при переходе на латиницу и их последствия для узбекского народа. при изменении написания упоминалось о состоянии образования и его разрушительных последствиях.

Ключевые слова. Образование, курс, латинское общество, алфавит, клуб, конференция, конгресс, съезд, академия.

ANNOTATION

The reforms in the field of education carried out by the Soviets, the Latinization carried out in the territory of Uzbekistan, the ideas carried out in the transition to the Latin alphabet and its consequences for the Uzbek people. with the change of writing, it was mentioned about the state of education and its destructive effects.

Key words. Education, course, latin society, alphabet, club, conference, congress, convention, academy.

Зиёлиларимиз ҳам халқимизга катта меҳр ва садоқат билан хизмат қилиб, илм-фанни ривожлантириш, юртимиз келажагини таъминлаш, миллатимизнинг ақл кўзини очишдек эзгу мақсадга умрингизни бағишлагансиз.

Эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки мукаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз [1, Б.24].

Илм-фансиз боболар меросини ўрганиб, ривожлантириш у ёқда турсин, хатто асраб бўлмайди. Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми фанидан бебахра миллат бошқаларга поймол бўлур [2, Б.88]. Ҳар бир халқнинг маънавий бойликлари ва хазинаси, унинг келажагидаги муваққият ва ютуқларига сўзсиз таъсир кўрсатади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши кучайиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган кишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истади. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланарди. Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Шу билан биргаликда араб ёзувидаги нодир қўлёмаларни ва асарларни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Бу ёвуз ишларни байналмилаллик, тенглик, озодлик шиори билан советлар янги ёзув ислоҳотини амалга оширди.

Ўзбекистонда советлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, барча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилди. Миллий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Ўзбеклар ҳаётида янги давлат мафкурасини сингдириш учун аввало, қадимий асрий кадриятлар, урф-одатларни ва маънавий хазиналарни йўқотиш керак эди. Шу боис, биринчи навбатда маънавий хазиналар битилган ёзувга эътибор берилди, уни ўзгартириш ҳаракатида бўлишди. Ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини тез суръатлар билан тараққий қилдириш учун араб алфавити ўрнига янги алфавит жорий қилиш зарур бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда энг асосий масалалардан бири ёшларга таълим-тарбия бериш саналади. Инсон туғилгандан буён урф-одат ва анъаналарни эшитиб катта бўлади. Шу боис, унинг атроф-муҳит билан алоқасини эътиборга олиб, мактабларда асрий сақланиб қолган: араб тили ва имлосини ҳамда диний кадриятларни замонавий байналминал туйғулар билан тарбиялаш лозим саналади [3, Б.3].

Жадидчилик ҳаракати давомида араб имло ва ҳарф масаласи ўзгартирилмади, 1917-йил октябрь инқилобидан кейин тил ва ёзув масаласи жиддийлашиб борди. Бу масалада 3 хил фикр ва қараш тарафдорлари вужудга келди. Биринчи гуруҳ “Чиғатой гурунги” аъзолари янги ислоҳот ўтказиш, иккинчи гуруҳ араб ёзувини сақлаш, учинчиси эса муроса тарафдорлари эди. 1921-йил Тошкентда биринчи қурултой чақирилади. Қурултойда Фитрат ва Боту маъруза қилишди.

Фитрат ислоҳот тарафдори эканлигини таъкидлади, Боту эса унга қарши экандиги ва маданиятга орқа бурганлар яхши эмас, ҳар бир ҳарф ёзишда қийинчилик бор, мисол бош ҳарф билан ёзиш кўп вақт кетади, ҳарф ажратиш учун қавс қўйиш ва устда ҳамда остда нуқта қўйиш одамни чалғитади. Ундан кейин Саид чиқиб лотинни қўллаб-қувватлайди. Кейинчалик қурултойдан кейин Боту фикри ўзгариб, лотинчилик ҳаракатининг фаол аъзосига айланади. Хоразм жумҳурияти 1924-йилда матбуотда мактабларда ёзув танловига мувофиқ дарс ўтилиши ҳақида буйруқ берилди. 1926-йил Ўзбекистонда ижроқўм 4-сессиясида араб ёзуви қийинлиги ва лотин ёзуви афзаллиги боис 42 кишидан иборат қўмита тузилади. 1927-йил май ойида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон алифбо қўмиталари Ўрта Осиё пленумида янги алифбо лойиҳасини жорий этишга келишиб олишади. Шундан сўнг 1927-йил 20-декабрдан янги алифбони мамлакат бўйлаб оммалаштириш учун курслар ва тўғарақлар ташкил қилиниди. Марказ қўмита 5-йил ичида лотин ёзувида тўлиқ иш юритишни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди [4, Б.8]. 1926-йилнинг 28-февралда Боку шаҳрида туркологларнинг Бутуниттифоқ Биринчи съезди чақирилди. Съезднинг ишида туркий тилда гапиришадиган ҳамма совет халқларининг вакиллари иштирок қилдилар. Улар ёзувни тубдан ўзгартириш лозимлигини айтдилар ва лотин алфавити жорий қилинишини ёқладилар.

Э. Қодиров “Ўзбекистонда 1929-йил янги алифбога ўтилди” [5, Б.31] деб маълумот беради. Аммо бу ҳаракатлар олдинроқ бошланди. Ўзбекистонда 1926-йилда алфавитни лотинлаштириш соҳасида жиддий иш бошланди. 1926-йилнинг июлида ЎзССР Марказий Ижроия Комитети Советлар 6-Сессияси қарорига мувофиқ, лотинлаштириш Марказий Комитети барпо этилди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, округ бўлимлари ҳам тузилди. Лотинлаштириш комитети, янги алфавит ва орфография масалаларини назарий ва амалий ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлигининг Академ маркази билан бирликда 1926-йил августида ўзбек тили мутахассислари конференциясини чақирди. Конференция лотин графикасига асосланган янги алфавит лойиҳасини ишлаб чиқди.

Янги алфавитда унли товушлар учун 9 ҳарф ва ундош товушлар учун 23 ҳарф белгиланди. Конференция тамом бўлгандан кейин, янги алфавит билан таништириш ва бу алфавитни амалий суратда турмушга ошириш мақсади билан, аҳоли ўртасида жуда кенг кўламда оммавий тарғибот ишлари фаоллаштириб юборилди. Плакатлар, янги ўзбек лотин алфавитининг деворларга осиб қўйиладиган ва чўнтакларда юритиладиган таблицалари босиб чиқарилди; саводли кишилар учун тегишли қўлланмалар тузила бошланди, «Қизил йўл» номли алифбе, шунингдек, «Орфография луғати» нашр қилинди, бу луғат ҳамда алифбе янги алфавит асосларини ўрганишни осонлаштирди. Бундан ташқари, ўқитувчиларни янги алфавит асосида савод ўргатишга ўтиш учун тайёрлаш мақсадида марказий ва област курслари очилди.

Бу ҳаракатларни Р.Каримов “янги алифбога ўтишда Шарқда инқилоб бўлади, бу ислохот амалий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлади” [6, Б.10] деб таснифлайди. Ўзбек янги алифбосини ҳал қилиш масаласи фақат маданий эмас, балким сиёсий ва ижтимоий аҳамият касбга эга. Биз ҳозир умумий ва тезлик билан маданий кўтарилиш маданий бирлашиш зарур ва биринчи навбатдаги турмуш вазифаларидан бўлган асосий даврига турамыз. Шу учун эски мусулмон маданиятидан бизга қолган мерос араб алифбоси ўрганишга қийин бўлиб омманинг маданий ўсишига катта монелик қилар эди. Мана шу бизнинг марказимиз барча идоралар бутун фирқа ва жамоатчилик билан бирга бу масала устида тушунтириш ва ташвиқот масаласини мумкин қадар кенг етказиш керак [7, Б.6].

М. Очилов маълумотига кўра “1929-йилдан Ўзбекистонда лотин тилига ўтилиши саводсизликка қарши курашиш самарадорлигини бирмунча ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди” [8, Б.6] деб ўз фикрини айтиб ўтади.

Ўзбекистоннинг баъзи бир шаҳарларида, масалан Тошкент, Фарғона шаҳарларида “Лотинчилар жамияти” ўзбек тилининг лотинлаштирилган алфавитини ўрганиш кружок ячейкалари тузилди. Лотинлаштирилган алфавитни меҳнаткашлар оммаси ўртасида муваффақиятли суратда ёйиш мақсади билан, вақтли матбуотдан, лекция тарғиботларидан ва бошқа кўпгина воситалардан фойдаланилди. Аҳоли ўртасида муваффақият билан жуда катта оммавий-сиёсий ишлар ўтказилиши, лотинлаштиришга қаршилик кўрсатган буржуа миллатчиларининг кирдикорлари фош қилиниши натижасида, 1929 йилнинг охирига келиб, араб алифбеси батамом чиқариб ташланди ва унинг ўрнига янги, лотинлаштирилган алфавит жорий қилинди. Аммо янги ўзбек алфавити тузишда ўзбек тилининг турли шевалари хусусиятлари назарга олинмаган эди. Бу камчилик кейинчалик тузатилди.

Янги алфавитга кўчиш тилни ўрганиб олишни осонлаштирди, терминларнинг қарор топиши ва такомиллашуви жараёни тезлаштирди ҳамда орфография соҳасида ҳукм суриб келган бир қанча мунозарали масалаларни амалий ҳал қилиб берди. 1928-йил Қашқадарёнинг бир нечта туманларида: Шаҳрисабзда 2та, Китобда 1та, Гузарда 1та, Чироқчи 1та, Косонда 1та янги алифбодан савод чиқариш курслари очилган [9, Б.25]. Алфавит фақат Ўзбекистондагина лотин графикасига кўчирилиб қолмай, балки Совет Шарқининг бошқа миллий республикалари ва автоном областларида ҳам кўчирилган эди. 1929-йилда республиканинг мактаблари лотин ҳарфида териб босилган янги дарсликлар олдилар. Бу ислохотлар тор доирада бўлиб, фақатгина мактабларда ва қуйи поғонадаги ишчилар қамраб олинди холос, бошқа ташкилот ва бошқарув органлари четда қолди.

Янги алифбо кўмитаси томонидан кўплаб курслар ташкил этилди. Ишчи, деҳқонларни 73 та икки ойлик курсларда 1990 та киши саводини чиқаради. Қизил аскарлар учун 48та курс очилди. Хунармандлар ва хотин-қизлар учун 7 та курс очиб берилади. 1928-1929-ўқув йили биринчи босқич мактабларида ёппасига янги алифбода ўқитиш учун ёзда ўқитувчиларни 10 соатлик қайта тайёрлов курсларига жалб этади. Кейинчалик дастур ўзгартирилиб 86 соат она тили дарси киритилди ва ўқиш муддатини ҳам бир ҳафтага узайтирилади. Бу курсларга 2270 ўқитувчи тайёрланди.

Кўмита маълумотига қараганда қуйидагича киши алифбо курсларига жалб қилинган:

2820 та ишчилар ва хизматчилар;

2550 та ўқитувчилар;

3032 та тўғаракларда;

3697 та ўз-ўзи ўқиганлар;

17426 та мактабларда;

700 қизил аскарлар.

Жами 30225 та киши янги алифбо курсларида ва тўғаракларида саводини чиқарди [10, Б.14].

1928-йилга келиб, ўқиш ва ёзишда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди ва шу билан диний мактаблар тугатилди [11, Б.4].

Ўзбекистонда 1927-1930-йилларда лотинлаштириш жараёни олиб борилди. Бу бошқа ҳудудларда ҳам давом этди. Қозоғистонда 1928-1931-йилларда, Туркменистонда 1929-1930-йилларда лотинлаштириш бўлиб ўтди [12, Б.126].

Хуллас, советларнинг ёзувни ўзгартириш ислоҳоти нафақат маданий, балки сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик масала эди. Бу ислоҳот натижасида жуда кўп китоблар, мадрасалар йўқ қилиб юборилди. Ўрта асрларда Ўрта Осиё уйғониш даври бўлиб, жуда кўп алломалар ўзларининг бой илмий ва назарий тажрибаларини қолдириб, кўплаб илмий асарлар қолди. Бу асрлар неча асрлар давомида олий таълим саналмиш мадрасада энг асосий дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланиб келинди. Мана шу аждодларимизнинг бой маънавий хазинаси мадрасаларни тугатиш билан ҳалокатга юз тутди. Лотинлаштириш ислоҳоти ўзбек кадриятларини ва анъана ҳамда урф-одатларини йўққа чиқарди. Бу тарих зарваракларида ҳам ўзга қарашда ифодаланди. Коммунистик мафкура билан безатиб таърифланди. Шу сабабли, тарих саҳифаларини ўқир эканмиз, албатта холис ҳаққоний ғоя ва мазмунини билишимиз ва англашимиз даркор.

ИҚТИБОСЛАР

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017 . - 592б.
2. Каримов И.А “Баркамол авлод орзуси”.-Т. Шарқ.1999. –Б.184
3. Азам А. Ёшларга соғлом мафкуравий тарбия берайлик. / Маориф ва ўқитувчи. 1929-йил. 6-сон. 3-бет.
4. Бекжон Р. Ўзбекистонда лотинчилик ҳаракати / Аланга журнали. 1928-йил,1-сон. 8-бет.
5. Қодиров Э. Ўзбекистонда халқ маорифининг 40 йил ичида эришган ютуқлари. –Т.: “Ўздавпеднашр”. 1957. 31-бет.
6. Каримов Р. Октябрь революцияси ва Ўзбекистон маданий қурилиши. –Тошкент: Ўзбекистон КПКМБН,1967. –Б.40
7. Хўжаев Ф. Янги алифбо тўғрисида. /Аланга журнали. 1928 йил, 3-4 сон. 6-бет.
8. Очилов М. Ўзбекистон комсомолининг умумий –мажбурий таълим учун кураши. –Т.: “Ўздавнашр”. 1958. 11-бет.
9. Насирбеков Н. Қашқадарё янги алифбо кўмита ишлари жонлана бошлади /Аланга журнали. 1928-йил, 6-7сон. 25-бет.
10. Янги алифбо курслари /Аланга журнали. 1928-йил, 5-сон. 14-бет.
11. Акрамов Д. Совет ҳокимиятининг “маданий инқилоби” ва унинг озбекистон ҳаётига тасири //центр научных публикаций (buxdu. uz). 2021. – Т, №.8.
12. Рашидов О. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши(1917-1938 йй). –Тошкент.: “Муҳаррир”, 2022.-288 б.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**